

Муаззинлар раиси



08:01 / 06.06.2020 2362

Абдуллоҳ ибн Али ибн Абдуллоҳ Баҳо Козруний Макка муаззинларининг раиси эдилар. У зотнинг ўлими олдидан шундай деганлариини эшитишган: «Эй шайтон, мен сени танимайман. Шайтон бўлсанг, гувоҳлик бераманки, Аллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад У Зотнинг расулидир». Шаҳодат калимасини айтиб бўлиши билан жонлари узилди. Бундай хотима саҳарлари Аллоҳ таолони доимо зикр қилиб юрганларининг самараси бўлса ажаб эмас. Ул зот ҳижрий 808 йили вафот этганлар.

«Солиҳлар гулшани» китобидан